

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ
КОРПУСЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ
ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”**

**мавзусидаги
халқаро илмий-амалий конференция
материаллари
(2021 йил 7 май)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ
КОРПУСЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ
ҲАМДА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”**

**мавзусидаги
халқаро илмий-амалий конференция
материаллари
(2021 йил 7 май)**

UO‘K: 004.8+81’33
KVK: 81.1

Ўзбек миллий ва таълимий корпусларини яратишнинг назарий ва амалий масалалари /
Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2021 йил 7 май. Электрон нашр / ebook. –
Тошкент: ТошДЎТАУ, 2021. – 330 б.

Ушбу тўпладан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетида бажарилиши 2020-2021 йилларга мўлжалланган АМ-FZ-201908172 рақамли
“Ўзбек тили таълимий корпусини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ташкил этилган
“Ўзбек миллий ва таълимий корпусларини яратишнинг назарий ҳамда амалий масалалари”
мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари жой олган.

Масъул муҳаррир:

Б.Р.Менглиев, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология
фанлари доктори

Такризчилар:

Ш.Х.Шаҳобиддинова, Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори
Ж.Ш.Жумабаева, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Ш.М.Хамроева, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.К.Гулямова, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги)
Абдурахмонов Иброҳим Юлчиевич (Инновацион ривожланиш вазирлиги)
Шерматов Шерзод Хотамович (Халқ таълими вазирлиги)
Сирожиддинов Шўҳрат Самариддинович (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Қирғизбоев Абдуғаффор Каримжонович (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти)
Султонов Исажон Абдураимович (Инновацион ривожланиш вазирлиги)
Сатторов Шўҳрат Шавкатович (Республика таълим маркази)
Мамараимова Насиба Ядгаровна (Халқ таълими вазирлиги)
Жамалиддинова Одинахон Рустамовна (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги)
Менглиев Бахтиёр Ражабович (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Раупова Лайло Рахимовна (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Шахабитдинова Шоҳида Ҳашимовна (Андижон давлат университети)
Абдирашидов Зайнабидин Шарабидинович (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Элов Ботир Болтаевич (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Ҳамроев Ғофир Ҳасанович (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти)
Жўракўзиев Нодир Имомқўзиевич (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Ҳамроева Шаҳло Мирджоновна (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Абжалова Манзура Абдурешетовна (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)
Гулямова Шахноза Кахрамоновна (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Менглиев Бахтиёр Ражабович
Раупова Лайло Рахимовна
Шахабитдинова Шоҳида Ҳашимовна
Ҳамроева Шаҳло Мирджоновна
Абжалова Манзура Абдурешетовна
Гулямова Шахноза Кахрамоновна
Абдурахманова Нилуфар Зайнобиддин қизи



yo'zishmalar tarixan ham muhim ahamiyat kasb etgan. Maktublar va pochta xizmati haqidagi dastlabki ma'lumotlar qadimgi Yunonistondagi Ossuriya va Bobil davlatlari bilan bog'liq. Ossuriyaliklar miloddan avvalgi 3-ming yillikdayoq konvert sifatida loydan foydalanishgan. Avvalo, xat matni loy qatlami bilan qoplangan va ustiga qabul qiluvchining manzili yozilgan. Keyin planshet shaklidagi konvertlar ichidagi xatning maxsus ipi yoqilgan va uloqtirilgan. Xat manziliga yetgach qabul qiluvchilar konvertni sindirib, xatni o'qib chiqqan [<http://srttdshi.ru/uz/fizika/osobennosti-gostinic-i-pochtovoi-sluzhby-v-drevnem-rime-istoriya.html>]. Demak, maxsus konvert shaxsiy yozishmaning ham sirliligini ta'minlagan, ham manzilga uloqtirish uchun qulaylik yaratgan. Eng qadimgi davrlardan ham "Nasihat maktublari", "Qo'mondonlik xati", "Oddiy xushmuomalalik bilan yozilgan xatlar", "Do'stlik yoki mehr-muhabbat izlayotgan xatlar" kabi turlarga ega bo'lgan. Qator davlatlarda, jumladan, Qadimgi Mesopotamiya, Misr, Yunoniston, Fors, Xitoy, Rim imperiyasining shtatlarida davlat pochta xizmati yaxshi yo'lga qo'yilgan edi. Bog'dodga asos solgan xalifa Mansurning mashhur bayonoti gapimizni tasdiqlaydi. "Mening taxtim to'rtta ustunda, mening kuchim esa to'rtta odamda: bu benuqson qadi (qozi), baquvvat politsiya boshlig'i, faol moliya vaziri va menga hamma narsani xabardor qiladigan dono pochta boshqaruvchisi" [<http://srttdshi.ru/uz/fizika/osobennosti-gostinic-i-pochtovoi-sluzhby-v-drevnem-rime-istoriya.html>]. Bu davrda yozma xabarlar piyoda va ot xabarchilar bilan yuborilgan. Yoinki pochta xizmatini kabutarlar ham bajarishgan, keyinchalik elchilik munosabatlari yo'lga qo'yilgan. Miloddan avvalgi davrlardan ham yozish uchun teri, tosh, papirus, yog'och kabi vositalardan foydalanilgan. Iskandar Makedoniskiy davrida ham "...teriga yozilgan xat topilgan, unda ushbu shahar Nekshapaya deb atalgan va uni ta'mirlash haqidagi buyruq aks ettirilgan. Keyinchalik nomi o'zgarib Naxshab, arablar davrida Nasafga aylangan" [To'xliyev, 2005: 45]. Shuningdek, massagetlarning qo'rqmas, qat'iyatli malikasi To'marisning Eron shohiga maktubiga ham tarix guvoh: "Ey qonxo'r Kir, uzum suvi yordamida bo'lgan bu voqeadan xursand bo'lma. Sen o'g'limni jang maydonida emas, nayrang bilan qo'lga olding. Endi quloq sol, senga bir yaxshi maslahatim bor. O'g'limni menga topshirgin-da, qilgan ishing uchun jazolanmasdan yurtingga jo'na. Yo'qsa, massagetlar tangrisi nomi bilan qasamyod qilib aytamanki, sen ochko'z yuhoning qonga tashnaligingni qondiraman".

Turk xoqonligi davri ham O'rxun-Enasoy obidalarida yorliqlarida o'ziga xos lisoniy qolip shakllangan, yorliqlar matn jihatidan an'anaviy tarkibiy qismlarga ega bo'lgan. Masalan, eslab o'tilgan yorliqlarning birinchisi "To'xtamish so'zim Yag'aylag'a", ikkinchisi "Temur Qutlug' so'zim", uchinchisi esa "Sulton Umarshayx Bahodir so'zim" deb boshlangan. Bayonda ham muayyan qolip bor, shuningdek, yorliq yozilgan sana va joy ko'rsatilgan. Bundan ma'lum bo'ladiki, turk xoqonligi davrida maktublar "yorliq" nomi bilan yuritilgan va undan ko'proq xalqlar o'rtasidagi siyosiy-iqtisodiy munosabatlar masalasida foydalanilgan.

Temuriylar davrida esa xat, nomalar yozish va shu orqali munosabat o'rnatish, nisbatan rivojlangan. Hatto bu davrdan maktublar jamlamasidan iborat bir qator asarlar ham yuzaga kelgan. "Maktuboti Temuriya" ("Temuriylarning maktublari"), "Majmuayi murosilot" ("Maktublar to'plami") maktublar majmuasidan iborat asarlar eronlik olim Abulhusayn Navoiy tomonidan to'plangan. Mazkur majmuaga Eron, Turkiya, Ozarbayjon va Fors hukmdorlarining xatlarini ham qo'shib, 1991-yili "Isnod va maktuboti tarixi Eron az Temur to shoh Ismoil" nomi bilan nashr etgan. Mazkur to'plamlarda Amir Temur va Temuriylar (Shohruh, Sulton Husayn va boshqalar)ning Fors, Ozarbayjon, Iroq va Turkiya hukmdorlari bilan yozishmalari jamlangan.

Ma'lum bo'ladiki, temuriylar davrida qo'shni davlatlar bilan yozishmalar orqali olib borilgan aloqa munosabatlari birda do'stona aloqalarga sabab bo'lsa, birda siyosiy-iqtisodiy ahvolning keskinlashuviga olib kelgan. Ibn Arabshoxning ma'lumotlariga qaraganda, Boyazidning Amir Temurga Sohibqironni har xil bo'lmag'ur so'zlar (haromi, qon to'kuvchi, zinokor buzuqi, qing'ir) bilan haqoratlab, unga yozgan xatining so'nggida quyidagilarni yozgan: "...Men bilamanki, bu so'zlar seni hech to'xtatmasdan bizning mamlakatimizga tomon otlantiradi. Agar sen (biz tomonga) kelmasang, sening xotinlaring uch taloq bo'lsin. Agar sen mening yurtimga kelsangu men senga qarshi qat'iy urush qilmay qochsam, u vaqtda mening xotinlarim uzil-kesil uch taloq bo'lsin" [Ibn Arabshoh, 1992: 259]. Shundan so'ng, Amir Temurning Boyazid ustiga yurishi va u g'alaba bilan tugallanganligiga tarix guvoh. Vaholanki, bu maktub ikki mamlakat o'rtasidagi siyosiy munosabatning keskinlashishiga sabab bo'ladi. Bu yozishmalar Amir Temur va Temuriylarning mazkur mamlakatlar bilan bo'lgan siyosiy munosabatlari tarixini o'rganishga, xususan, Amir Temurning 1381-1404-yillari Eron, Iroq, Ozarbayjon, Suriya va Turkiya ustiga qilgan harbiy yurishlarining saboqlarini to'g'ri anglashga yordam beradi.



Oxirgi 10 yillikda shaxsiy yozishmalar ancha rivojlandi. Avvallari insonlar mustahkam axloqiy qoidalar bilan nazorat qilingan bo'lsa, endilikda har bir kishi o'zini-o'zi tartibga chaqirib turishiga to'g'ri keladi. Zero, biz har tomonimizni qurshab olgan texnika asrida yashayapmiz. Fan-texnika rivoji natijasi o'laroq, shaxsiy yozishmalar olib borish elektron tizimga o'tdi. Dastavval, SMS xabarlar tizimi bo'y ko'rsatib, so'ng Twitter, Instagramm, Telegram, Whats upp, Facebook kabi ko'plab internet tarmoqlari yuzaga keldiki, ularda turli tipdagi, har xil mavzudagi shaxsiy yozishmalarga duch kelimiz. Shuning uchun ham elektron saytlardan foydalanishimiz qatorida, albatta, o'z suhbatdoshlarimiz, shaxsiy kabinetimiz va yozishmalarimizga ega bo'lamiz. Avvallari shaxsiy yozishmalarning maxfiyligi odob-axloq, shariat qoidalar bilan qat'iy ta'minlangan bo'lsa, endi internetda, jumladan, shaxsiy xabarlarda yozilgan barcha narsalar osongina ommalashishi mumkin. Shu orqali bir qator jinoiy ishlar ham amalga oshirilishi yoki ularning ochilishiga dalil bo'lishi mumkin. Bu xususda Rossiyaning Orlov davlat universiteti tilshunos olimlari L.A.Vlasova va I.V.Popova bahsli matnlarni o'rganish uchun, dastlab, semantic mohiyatni anglash lozimligini ta'kidlashdi. Bu masalada Y.A.Belchikov ham shunday fikrni bildirdi: “Huquqiy masalalar bo'yicha bahsli matnning lingvistik ekspertizasi –bu to'g'ridan-to'g'ri filologiyaning eng qadimgi tarmoqlaridan biri -germenevtika bilan aloqador, zero, germenevtikaning markaziy vazifalari biri matnni (yozma va og'zaki) talqin qilish va uni tushunishdan iboratdir”[Бельчиков, 2005:15]. Y.A.Belchikovning fikriga qo'shilgan holda, olimlar bahsli SMS xabarning lingvistik ekspertiza jarayonini 3 bosqichga ajratishdi:

1) suhbatning semantic bloklarini aniqlash – so'zlovchi va qabul qiluvchi o'rtasidagi suhbatning mavzusi aniqlanadi. Bunda mavzu markaziy o'rinda bo'lib, suhbatdoshlar bir nechta mavzuda suhbatlashayotgan bo'lsa-da, bir mavzu xususida bir aylana chiziq orqali harakatlanishadi, ya'ni suhbat davomida bir nechta bor aynan shu mavzuga qaytib kelishadi. Bu so'zlashuv jarayonining semantic maydonini tashkil qiladi;

2) nutq harakatlarining turlarini aniqlash – axborot berish, ma'lumot so'rash, rag'batlantirish, rozilik, norozilik, kelishmovchiliklarni ifodalash, suhbatdoshga bo'lgan munosabatni ifodalash, his-tuyg'ular kabilar. Matnda suhbat jarayoni xabar, bayonot, izoh, tushuntirish, fikr bildirish, taxmin, ogohlantirish, da'vat kabi nutq harakatlarida amalga oshadi. Bu, albatta, yozma matnlar uchun xos. Og'zaki, audio, video murojaatlarda esa nutq harakati ekstralingvistik omillarga ko'ra belgilanadi;

3) information komponentlarni aniqlash va tavsiflash – bahsli matnning ichki semantic mohiyatini yuzaga chiqaruvchi lingvistik birliklarni tahlil qilish orqali amalga oshiriladi. Shaxsiy yozishmaning umumiy strukturasi, so'zlarning to'liq yo to'liq emasligi, haqiqiy mazmunni yashirish uchun qo'llaniladigan adabiy me'yordan chetga chiqqan leksik unsurlarning qo'llanilishi, noadabiy grammatik shakllarning ifodasi kabi lingvistik tahlil olib boriladi. Bu yondashuv semasiologik tahlil yordamida amalga oshiriladi, shuningdek, jarayonda adabiy va noadabiy me'yorga ega grammatik birliklarning umumiy lug'atiga ehtiyoj seziladi. Zero, yozishmaning muallifini aniqlash uchun matndagi birliklarning leksik-grammatik ma'nolarini adabiy me'yorga ko'ra aks ettiruvchi baza zarurdir.

Bu, albatta, barcha shaxsiy yozishmalar uchun ham taalluqli emas. Masalan, hammaga ma'lum bo'lgan axborot haqida yozilgan bo'lsa, u hamma uchun ma'lum va maxfiy ma'lumot emas. Bunday vaziyatlarda tarqatuvchi shaxs jinoiy javobgarlikka tortilmaydi. Ammo agar u ilgari omma oldida mavjud bo'lmagan va shaxsiy hayotga taalluqli bo'lmagan ma'lumotlarga ega bo'lsa, masalan, asrab olish sirlari yoki u yashirgan romantik munosabatlar bo'lsa, u holda fuqarolik va jinoiy javobgarlik paydo bo'lishi mumkin[<https://daily.afisha.ru/relationship/>]. Shu nuqtayi nazardan, internetning rivojlanishi yangi kommunikativ makon, yangi tadqiqot obyektlarining paydo bo'lishiga olib keldi. So'nggi yillarda ekspert amaliyotini olib borish nisbatan rivojlanish bosqichiga o'tmoqda. Edilikda biz an'anaviy yozishmalar, diplomatik xatlar ustida emas, balki audio va vizual, og'zaki va yozma elektron ma'lumotlarning tahlilini olib borishimiz kerak. Bu borada Rossiya davlati ancha ilg'or. Rossiya Adliya vazirligining 2006-yil 526.1-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan “nutq faoliyati mahsulotlarini o'rganish” ixtisosligi bo'yicha mutaxassislarni tayyorlash dasturi buning yorqin dalilidir. O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasida ham bu borada qator huquqiy me'yorlar aks etgan. Masalan, Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi Kodeksning 46-moddasi tibbiy yoki tijorat sirlarini, yozishmalar va boshqa xabarlarning sirlarini, notarial harakatlarni, bank operatsiyalarini va jamg'armalarni, shuningdek, fuqaroga, uning huquqlariga, erkinliklariga va qonuniy manfaatlariga ma'naviy yoki moddiy zarar etkazishi mumkin bo'lgan boshqa ma'lumotlarni oshkor qilish uchun javobgarlikni belgilaydi. Shuningdek, Jinoyat kodeksining 143-moddasida yozishmalar, telefon orqali muzokaralar, telegraf yoki boshqa xabarlarning sirini buzganlik

uchun jinoiy javobgarlik belgilangan. Ayon bo‘ladiki, qonunda faqat dahlsizlik haqida fikr yuritilgan va shu sababli ham sud jarayonida shaxsiy yozishmalar bilan aloqador, lingvistik ekspertizaga muhtoj ishlar yechimsiz masalaga aylanmoqda. Xorij davlatlarda ham mukammal o‘rganib bo‘linmadi, ammo ayrim mamlakatlarda bu soha rivojlanish jarayonidir.

Janubiy Afrika universitetida aynan ommaviy ijtimoiy tarmoqlardagi mualliflik tahlillari (Facebook, Twitter saytlari misolida) olib borilgan [Michell,2013:216]. Shuningdek, Belarusiyada ham ekstremistik materiallarni tadqiq qilish uchun keng qamrovli psixologik va lingvistik yondashuv qabul qilingan. Nisbatan yondosh respublikalardan Qozog‘iston Respublikasida ekspertlar amaliyoti va ilmiy-uslubiy ishlanmalar filologiya va psixologiya, dinshunoslik, siyosatshunoslik sohasidagi bilimlarni kompleks qo‘llash yo‘lidan bormoqda. Demak, ko‘pgina davlatlarda yozishmalar lingvistik ekspertizasi xususida turli tadqiqotlar olib borilgan va bu davom etyapti. Bu sohada, masalan, Rossiyada bir qator o‘quv qo‘llanmalari mavjud bo‘lib, ular universitet talabalari uchun fan yo‘nalishi sifatida kiritilgan. Konstitusiyada ham bir qator qonuniy me‘yorlar ishlab chiqilgan. Xususiy va davlatga tegishli bo‘lgan lingvistik ekspertiza markazlari tashkil etilgan. Tashkiliy ishlarning pirovardida inson manfaatlari yotadi. Zero, ular ko‘pgina tarmoqlarning muammolarining yechimiga sabab bo‘ladi. Yurislingvistika o‘zbek tilshunosligi uchun yangi soha bo‘lib, bu, nisbatan, rivojlanish bosqichida.

ADABIYOTLAR:

1. Mengliev B., Karimov R. Theoretical fundamentals of uzbek-english parallel corpus \ JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 17, 2020.
2. Mengliev B., Sobirova Z. Some issues related to the transfer of english tourism terms in uzbek language \ JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN-2394-5125 VOL 7, ISSUE 15, 2020 \ <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.14.194>.
3. Bakhtiyor Rajabovich Mengliev, Nigmatova Lolakhon Hamidovna. Problems of language, culture and spirituality in general explanatory dictionaries of Uzbek language / International Journal of Psychosocial Rehabilitation. ISSN: 1475-7192.
4. Shakhnoza Gulyamova, Bakhtiyor Mengliev. Lexical-semantic classification of euphemisms of the feminine gender in the Uzbek language // Academia Open. Vol 1. No 1. (2019): June Articles.
5. Холодняк Е.В. Стилистика писем М.А. Максимовича: Дисс. ... канд. филол. наук. – Харьков, 2017.
6. Madraimov A., Fuzailova G. Manbashunoslik. –Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008 –B. 32
7. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Т.: “МЕҲНАТ”, 1992. I китоб. Б. 259.
8. Бельчиков Ю.А. Лингвистическая судебная экспертиза – целенаправленное герменевтическое исследование // Спорные тексты СМИ и судебные иски: Публикации. Документы. Экспертизы. Комментарии лингвистов / под ред. проф. М.В. Горбаневского. М.: Престиж, 2005. С. 15–20.
9. <https://koreajob.ru/uz/sekret-y-interesnyh-istoricheskikh-pisem-istoriya-pisem-interesnye-fakty/>
10. https://uz.wikipedia.org/wiki/Diplomatik_yozishma
11. <http://srttdshi.ru/uz/fizika/osobennosti-gostinic-i-pochtovoi-sluzhby-v-drevnem-rime-istoriya.html>
12. <https://daily.afisha.ru/relationship/>

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИ СИНТАКТИК ТЕГЛАШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ

SYNTACTIC TAGGING AND MODELING OF COMPOUND SENTENCES IN UZBEK

Хидиров Отабек Жўрабоевич*

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилида эргашган қўшма гапларни автоматик теглаш, модел ва тегларини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил марказига олинган.

Калим сўзлар: Эргаш гап, бош гап, қўшма гап, корпус, парсинг дастури, синтактик теглаш.

Annotation: In this article, the issues of automatic tagging, model and tag development of Uzbek compound sentences are taken to the center of analysis.

Keywords: adverb, preposition, compound sentence, corpus, parsing, program, syntactic tagging.

Синтактик теглаш масаласи, жаҳон компьютер лингвистикасида жуда кам ўрганилган муаммо. Шунингдек, қўшма гапларнинг синтактик теглари ҳам ишлаб чиқилмаган, чунки бошқа тилларда автоматик парсерлар ишга туширилган. Ўзбек компьютер лингвистикасида йўл-йўлакай қилинган айрим қайдларни учратиш мумкин. Ш.Хамроева қўшма гап қисмлари орасидаги функционал муносабатга кўра турларини ажратар экан, разметкада қуйидаги белги(тег)ларни таклиф қилади: [Хамроева, Менглиев, 2019: 36].

1. кесим тобе гапли ҚГ = <КҚГ>;
2. эга тобе гапли ҚГ = <ЭҚГ>;
3. ҳол тобе гапли ҚГ = <ХҚГ>;
4. тўлдирувчи тобе гапли ҚГ = <ТҚГ>;
5. аниқловчи тобе гапли ҚГ = <АҚГ>.

Таъкидлаш жоизки, эргашган қўшма гапларнинг тег тизимини ишлаб чиқишда ўзбек тилшунослигида эргаш гапларнинг таснифлари ҳақидаги хулосалар асос бўлади.

Қисмлари эргаштирувчи боғловчилар ёки шундай боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида боғланган қўшма гап эргашган қўшма гап ҳисобланади: *Илдиз озиқ берса, новда кўкарар*. Маълумки, эргашган қўшма гап таркибида нечта гап бўлишидан қатъи назар, доимо икки қисмдан ташкил топади: 1) бош гап; 2) эргаш гап. Мазмуни изоҳланаётган гап *бош гап*, бош гап мазмунини изоҳлайётган гап *эргаш гап* ҳисобланади [Абдурахмонов ва б., 1976: 560].

Эргаш гапли қўшма гап таркибидаги гапни ифодаловчи тегни қуйидагича белгилаймиз: бош гап=[bG]; эргаш гап=[eG].

Қўшма гап синтактик тег ва моделларини ишлаб чиқиш учун асосий шаклий воситалар – қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғловчи воситалар муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли эргаш гапни боғловчи воситалар уларнинг турини автоматик аниқлаш учун асосий восита вазифини бажаради. Ўзбек тилида эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади: [Абдурахмонов ва б., 1976: 560].

1. эргаштирувчи боғловчи: *Биз китобни севамиз, **чунки** у билим манбаи.Юртимиз тинч, шунинг учун кўнглимиз хотиржам.*
2. кўмакчи қурилма: *шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли;*
3. юкламалар (-ки): *Мақсадим шуки, ватанимга содиқ фарзанд бўлиш.*
4. нисбий сўзлар (ким... ўша, нима... шу, қаер... шу ер);
5. *деб* сўзи ва бошқалар.

Бош гапда ифодаланган мазмуннинг сабаби, мақсади, шарт ёки қиёсини билдирган эргаш гаплар бош гапга сабаб (*чунки, негаки*), мақсад (*токи*), шарт (*агар, агарда, башарти, мабодо*), қиёслаш-чоғиштирув (*гўё, гўёки, худди*) эргаштирувчи боғловчилари ёрдамида боғланади. Сабаб, мақсад, қиёслаш-чоғиштирув боғловчилари эргаш гап бошида қўлланади, эргаш гап бош гапдан

*Ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

сўнг келади. Шундай вақтда ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади. Шарт боғловчилари гап бошида келади. Эргаш гап кесими шарт майлидаги феъллар билан ифодаланади. Бундай эргаш гаплар бош гапдан олдин келади. Кўпинча, шарт боғловчилари қўлланмаса ҳам, шарт майли шакли қўшма гап қисмларини боғлайверади [Неъматов, Сайфуллаева, 2011: 312].

Ушбу ўрнатилган қоидалар эргаш гапни автоматик теглаш, модел ва тегларини ишлаб чиқишда мустаҳкам назарий асос бўлади. Шу сабабли эргаш гапни боғловчи воситаларига кўра қуйидаги турларини кўриб чиқамиз:

- 1) кўмакчили қурилма ёрдамида ЭҚГ;
- 2) *деб* сўзи ёрдамида ЭҚГ;
- 3) шарт майли воситасида ЭҚГ;
- 4) кўрсатиш олмоши ёрдамида ЭҚГ;
- 5) нисбий сўз ёрдамида ЭҚГ.

1. Кўмакчили қурилмалар ёрдамида эргашган қўшма гаплар. Бош гапда ифодаланган мазмуннинг сабабини билдирувчи эргаш гаплар бош гапга *шунинг учун*, *шу сабабли*, *шу тўғрисида* сингари кўмакчили қурилмалар воситасида боғланади. Улар бош гап таркибида келади. *Халқ Юсуфбек ҳожидан зарра ёмонлик кўрмаган, шунинг учун у қаёққа юрса, шу ёққа боришига ҳозир турар эди. (Абдулла Қодирий)* 2. Ёзи билан тинимсиз меҳнат қилдик, *шу сабабли* мўл ҳосил олдик. (Олимжон Холдор) 3. Тузумлар ўзгарса ҳам, Инсон ўзгармас экан, *Шул боисдан* Пайгамбар Умнат гамин еганлар; Аллоҳдан бошқасига сизинмагин еганлар. (А.Орипов) 4. Камтарин бўл, ҳатто бир қадам Ўтма гурур остонасидан, *Пилани шунинг-чун* инсон ўпар доим пешонасидан. (Э.Воҳидов) 5. Ўзимиз жуда чўллаб келган эдик, *шунинг учун* кечирдик. (Абдулла Қодирий). Мисоллардан кўриниб турибдики, бадийий услубда кўмакчили қурилмаларнинг *шунинг учун*, *шу сабабли*, *шул боисдан*, *шунинг-чун*, *шунинг учун* турли шакллари қўлланади. Бундай боғловчиларнинг тўлиқ рўйхати шакллантирилади ва улар умумий <KQ> теги билан белгиланади. Шу асосда бундай қўшма гапларнинг синтактик моделларини қуйидагича тузиш мумкин. Агар: [eG] + <KQ>[bG] бўлса, [eG] + [bG] = <EQG> / <сабаб-EQG>. Ушбу тегда эргашган қўшма гап ҳамда унинг маъно жиҳатдан сабаб маъносини ифодалаб эргашган қўшма гап эканлиги ҳақидаги ахборот мавжуд.

2. *Деб* сўзи ёрдамида эргашган қўшма гаплар. Бош гапда ифодаланган мазмуннинг мақсади, сабабини билдирувчи эргаш гаплар бош гапга кўпинча *деб* сўзи ёрдамида боғланади ва эргаш гапларнинг кесими III шахс буйруқ майли шаклидаги феъллар билан ифодаланади. Бундай гаплар таркибидаги *деб* сўзи *учун* кўмакчиси билан маънодош саналади, шунинг учун бир-бири билан эркин алмаша олади: [Неъматов, Сайфуллаева, 2011: 312].

Гул барглари учишади, тушмайин деб қўлингга (Ҳамид Олимжон). Шу мўъжаз уйимда ёнсун деб чироқ, Не азиз зотларга ёндошдим гоҳи (А.Орипов). Камалакдек ранго-ранг Бўлсин деб, санъат, тиллар, Асрларча қилдим жанг (Э.Воҳидов). Сен оташ ичида урасан жавлон, Душман қолмасин деб севган элимда (Ҳамид Олимжон). Ёвлар яксон бўлсин деб, Йигитлар жанг бошлади, Ёвлар қоча бошлади (Ҳамид Ғулом). Бундай восита ёрдамида боғланишни <debQ> теги билан белгилаймиз. Шу асосда бундай қўшма гапларнинг синтактик моделларини қуйидагича тузиш мумкин. Агар: [bG] + <...sin deb Q>[eG] бўлса, [eG] + [bG] = <EQG> / <мақсад-EQG>. Ушбу тегда эргашган қўшма гап ҳамда унинг маъно жиҳатдан мақсад маъносини ифодалаб эргашган қўшма гап эканлиги ҳақидаги ахборот мавжуд.

3. Шарт майли воситасида эргашган қўшма гаплар. Эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклидаги феъллар орқали ифодаланганда, шарт майли кўшимчиси эргаш гапни бош гапга боғловчи восита ҳам саналади. Бундай эргаш гаплар бош гапда ифодаланган мазмуннинг юзага чиқиш ёки чиқмаслик шартини, пайтини билдиради: *Агар дарахт шохлари ёз фаслида сарғайса, куз эрта келади. Олма, олча каби мевали дарахтлар иккинчи бор гулласса, бу кузнинг илиқ келишидан даракдир. Қалдирғоч пастлаб учса, ёгингарчилик бўлади. Чиннигул ўзидан ёқимли ҳид таратса, тез орада шамолни қутаверинг. Балиқ тез-тез сув бетига сапчиб чиқса, ёмғир ёғади. Мевали дарахтлар кўп ҳосил қилса, қиш қаттиқ келади* [Неъматов, Сайфуллаева, 2011: 294]. Бундай восита ёрдамида боғланишни <shartQ> теги билан белгилаймиз. Шу асосда ушбу қўшма гапларнинг синтактик моделини қуйидагича тузиш мумкин. Агар: [eG...ca] + [bG] бўлса, [eG] + [bG] = <EQG> / <шарт-EQG>. Ушбу тегда шарт маъносини ифодалаб келган эргашган қўшма гап эканлиги ҳақидаги ахборот мавжуд.

К.М.Мавлонова, Н.С.Хакимова Она тили таълимида миллий матнлар корпусидан фойдаланиш зарурати	205
Д.Юлдашева, Д.Юсупова Она тили таълимида ўзбек тилининг миллий корпусига эҳтиёж сезилмоқда	209
Ғ. Ҳ.Ҳамроев Электрон ўқув луғатлар ва миллий тил корпуси: муаммо, эҳтиёж ва таклифлар	212
Н.Э.Абдуллаева Паремнологик градуонимиянинг лингвопрагматик жиҳатларини ўрганишда тил корпусларидан фойдаланиш	215
Ф.С.Бахтиярова Таълим сифатини оширишда компьютердан фойдаланиш ва ўрта махсус таълим тизимида доир айрим мулоҳазалар.....	219
Р.А.Каримов Параллел корпуснинг лингвистик, хорижий тил лингводидактикасидаги аҳамияти ва таржимонлик соҳасидаги имкониятлари	223
Ш.С.Абдираимов Баҳолаш ва миллий корпус	229
З. Ҳ.Раҳматова, Ш.И.Набиева Ўзбек тилининг таълимий корпуси базасини такомиллаштиришда мактабгача ёшдаги болалар луғатларининг ўрни	232
М.Ш.Сайдалиева Ўзбек тилининг мултимедия корпусини яратиш тамойиллари	236

V ШҲЪБА: ТАБИИЙ ТИЛГА АВТОМАТИК ИШЛОВ БЕРИШ МУАММОЛАРИ

М.С.Шарипов, У.И.Салаев Ўзбек тили стемминг масаласини ечишда префиксларни қирқиш алгоритмининг яратиш	240
Ўмирғали Жанар Орынбасарқизы қазирги түрик тили мен қазақ тилине ортақ сөздердин лексика-семантикалық жүйесі	244
И.А.Азимова Афазияда лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг ўрни	250
А.Ботирова Лингвистик луғатлар яратишга доир янгича ёндашув	254
Д.С.Турдалиева Мақоллар ва маталларнинг мувофиқловчи функциялари	257
А.Акбулатов, З.М.Мўтиев Шўйиншалиева «служак» аңгімесининг көркемдік табиғаты, типологиялық талдау	261
Ш.К.Гулямова, Ш.Ш.Холова Семантик анализатор борасидаги изланишлар хусусида	265
Н.И.Ғайбуллаева Тиббий лингвистик бирликларнинг электрон луғатини яратиш	270
Э.Ш.Назирова, Ш.Б.Абидова, Н.Ф.Жамолов Ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржиманинг функционал модули	275
Б.Р.Тожибоев Ўзбек тили ассоциатив луғатини тузишда қўлланилган тажриба методи	279
М.А.Холова Ўзбек миллий корпусида халқ шевалари ривожланиш асосларига бир назар ..	282
А.Муртазаев Содда гаплардаги айнанлик, ўхшашлик ҳамда фарқлилик категорияларининг сунъий интеллектдаги ўрни	288
И.М.Раббимов, С.С.Кобиллов, З.М.Қурдошев A problem of part-of-speech tagging in the uzbek language corpus	292
Р.Каримов Ўзбек-инглиз параллел корпусида халқ мақолларининг ифодаланиши	296
Ў.Х.Абдуллаева Ўзбек тилидаги электрон ахборот матнлари корпусини яратишдаги ўзига хосликлар	299
А.А.Рахманова Ўзбек тилидаги омонимлар билан боғлиқ дастурий муаммоларни бартараф этиш усуллари	303
Д.Тўраева Шахсий ёзишма тушунчаси ва экспертиза усуллари	309
О.Ж.Хидиров Ўзбек тилида эргашган қўшма гапларни синтактик теглаш ва моделлаштириш	313
О.Д.Насирдинова Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик асосини даражалашда ўзбек	



тили миллий корпусининг ўрни	317
Д.М.Сапарова Дунё тилшунослигида тил даражаларининг ўрганилиши (ўзбек тили мисолида)	321
Ш.М.Хайдарова Лексик базани шакллантириш методикаси	325
С.Ю.Алланазарова Ўзбек тилидаги матнларни ҳиссий жиҳатдан таҳлил қилиш	329
М.Солиев Тил корпуслари семантик тегларини яратишда семантик изоҳ бериш муаммоларига доир	332
З.Ю.Хусаинова Электрон луғат амалий лексикография ривожланишининг янги босқичи сифатида	335
Д.С.Абдурайимова Лингвистик экспертизада шахсий ёзишмаларнинг ўрганилиши ва унинг аҳамияти	339

